

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2026 йил январь ойининг 20 куни, жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья Ш.Турдиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Усмоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шаҳрисабз туман прокурорининг ёрдамчиси Б.Тожиев, судланувчи Х ва унинг ҳимоячиси адвокат Ш.Сапаеванинг иштирокида,

Х – XXXX йил XX май куни Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, Х нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам:

1). жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз шаҳар судининг 2021 йил 18 январдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

2). жиноят ишлари бўйича Олмазор туман судининг 2021 йил 16 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси, 3 қисми “а” банди билан ЖКнинг 60, 61-моддалари тартибида 5 (беш) йил 2 (ой) озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг 06.02.2024 йилдаги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан ўталмай қолган 2 йил 6 ой 13 кун муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан илгари шартли озод этилган;

3) жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2025 йил 13 ноябрь кунидаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддси 3-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖК 60-моддаси тартибида 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ҳозирда тайинланган жазо муддатини ўтамоқда, Шаҳрисабз туман “Х” МФЙ Х қишлоғи рақамсиз уйда яшаган, унга нисбатан “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 28 декабрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 226-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбланганга нисбатан №Х-XXXX-XXXX/XXX-сонли жиноят иши кўрилиб, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари тингланиб, жиноят иши ҳужжатлари ўрганилиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо берилиб, қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И:

Судланувчи Х ЖИБ Шаҳрисабз туман судининг 2025 йил 10 июнь кунидаги қарори билан унга нисбатан ўрнатилган 6 ой муддатдаги маъмурий назорат қоидаларига кўра 1) Шаҳрисабз туман ИИБнинг рухсатсиз туман



худудидан чиқиб кетиши; 2) ҳар ойнинг 5-куни ички ишлар бўлимига келиб қайддан ўтиши; 3) сутканинг кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00 га қадар Шаҳрисабз тумани “Х” МФЙ, Х қишлоғидаги яшаш уйидан чиқмаслиги тақиқланганлигига қарамасдан, 2025 йилнинг 06 июль кундаги 06 август кунига қадар яшаш жойини ўзбошимчалик билан ташлаб, Тошкент шаҳрига кетиб қолиб, ўзига нисбатан ўрнатилган маъмурий назорат қоидаларини қасддан бузган.

Судланувчи Х ўзининг юқоридаги ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 226-моддаси 2-қисми “а” банди назарда тутилган жиноятни қасддан содир қилган.

Судланувчи Х судда, айбига тўлиқ иқдор бўлиб, муқаддам содир этган жиноятлари учун жазо муддатини ўтаб чиққани, жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судининг 10.06.2025 йилдаги қарорига кўра унга нисбатан 6 ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилгани, белгиланган чекловларга кўра туман ИИБнинг рухсатсиз яшаш жойини тарк этмаслик, ҳар ойнинг 5-кунида туман ИИБга учрашиш, сутканинг кеч соат 22:00дан эрталаб соат 06:00 га қадар яшаш уйидан чиқмаслиги белгилангани, бироқ у чекловларга амал қилмасдан ишлаш учун Тошкент шаҳрига кетиб қолгани, у ерда бироз ишлаб, кейин маст ҳолатда бир кишининг велосипеди ва оёқ кийимини ўғирлаб олиб, уни сотиб, пулига яшаш уйига келгани, бироздан кейин уни ушлаб Миробод туман ИИБга олиб келишгани, у қилган ишидан пушаймон экани ҳақида кўрсатув бериб, суддан қонуний енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Х суд мажлисида, у ички ишлар органларида 2013 июль ойдан, эгаллаб турган лавозимида эса 2025 йил февраль ойдан буён хизмат қилиб келаётгани, унинг хизмат вазифасига унга бириктирилган маъмурий ҳудудда профилактика ишларини олиб бориш, жиноятчиликни олдини олиш, фуқароларни тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, ариза ва шикоятларни кўриш, маҳалла фуқаролари йиғини фаоллари билан ҳамкорликда ишлаш ва бошқалар кириши, Хга ЖИБ Шаҳрисабз туман судининг 2024 йил 07 май кундаги қарорига кўра 6 ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилган бўлиб, у ҳар ойнинг 5, 15 ва 25 кунлари ички ишлар бўлимига келиб, рўйхатдан ўтиши белгиланган бўлсада, у 2024 йил май ойининг 25 куни, июнь ойининг 5, 15, 25 кунларида ички ишлар бўлимига келиб рўйхатдан ўтмаганлиги учун ЖИБ Шаҳрисабз туман судининг 06.08.2025 йилдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 206-моддасида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир қилган деб топилгани, базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорида жарима жазоси тайинлангани, унга нисбатан ЖИБ Шаҳрисабз туман судининг 2025 йил 10 июнь кундаги қарорига кўра 6 ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилган бўлиб, у сутканинг кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00 га қадар Шаҳрисабз тумани, “Х” МФЙдаги яшаш уйидан чиқиши ва рухсатсиз Шаҳрисабз туман худудидан чиқиши тақиқлангани, шунга қарамасдан 2025 йил 28 июль куни Шаҳрисабз туман “Х” МФЙ раиси Б.Хамраев билан биргаликда фуқаро Хнинг маъмурий назорат қоидаларига қанчалик риоя қилаётганлигини текшириш мақсадида унинг Шаҳрисабз тумани “Х” МФЙ Х қишлоғида жойлашган яшаш уйига борилганда фуқаро Х яшаш уйидан ишлаш мақсадида Тошкент шаҳрига кетганлиги аниқланиб, бу ҳақда



ўрнатилган тартибда далолатнома расмийлаштирилиб, тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўришлик учун Шаҳрисабз туман ИИБга тақдим этилгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Х суд мажлисида, у 2024 йил 24 июнь кунидан буён Шаҳрисабз тумани, “Х” МФЙ раиси лавозимида фаолият юритиб келаятигани, унинг хизмат вазифасига фуқароларнинг муносабатлари билан ҳамда маҳалла фуқаролари йиғини фаоллари билан ҳамкорликда ишлаш ва бошқалар кириши, Хга нисбатан ЖИБ Шаҳрисабз туман судининг 2025 йил 10 июнь кундаги қарорига кўра 6 ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилган бўлиб, у сутканинг кеч соат 22:00дан эрталаб соат 06:00га қадар Шаҳрисабз тумани, “Х” МФЙдаги яшаш уйдан чиқиши ва рухсатсиз Шаҳрисабз туман ҳудудидан чиқиши тақиқлангани ҳамда ҳар ойнинг 5-кун ички ишлар бўлимига келиб рўйхатдан ўтиши бедгилангани, шунга қарамасдан 2025 йил 22 июль ва 28 июль кунларида Шаҳрисабз туман ИИБ ЖХХ ХПБ ходимлари билан биргаликда фуқаро Хнинг маъмурий назорат қоидаларига қанчалик риоя қилаётганлигини текшириш мақсадида унинг Шаҳрисабз тумани “Х” МФЙ, Х қишлоғида жойлашган яшаш уйига борилганда фуқаро Х яшаш уйдан ишлаш мақсадида Тошкент шаҳрига кетганлиги аниқланиб, бу ҳақда ўрнатилган тартибда далолатнома расмийлаштирилиб, тўпланган ҳужжатлар қонуний чора кўришлик учун Шаҳрисабз туман ИИБга тақдим этилгани, у фуқаро Хнинг маъмурий назорат қоидаларига риоя этаётганлигини текшириш мақсадида унинг Шаҳрисабз тумани “Х” МФЙ Х қишлоғида жойлашган яшаш уйига борганида ёнида Шаҳрисабз туман ИИБ ЖХХ ХПБ профилактика инспекторлари майор Х ва катта лейтенант Хлар бўлгани, улар ушбу ҳолатни тасдиқлашлари ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи Хнинг айби, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик ҳақидаги кўрсатувларидан ташқари, гувоҳларнинг суддаги кўрсатувлари, шунингдек жиноят ишида мавжуд жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судининг 2025 йил 10 июнь кундаги қарори, Шаҳрисабз туман ИИБ профилактика инспектори Хнинг билдиргиси, Шаҳрисабз туман ИИБнинг маъмурий назорат қоидаларига риоя қилиш зарурлиги тўғрисида огоҳлантириш хати ва Хнинг тилхати, маъмурий назорат остида турувчи шахсга нисбатан белгиланган чекланишларга риоя қилишни текшириб бориш варақалари, айбланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш баённомалари билан ўз тасдиғини топди.

Суд, Хнинг маъмурий назоратдан бўйин товлаш мақсадида ўз истиқомат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетганликдан иборат жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 226-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кундаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги №1-сонли Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилики даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”;



Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига кўра давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Юқоридаги асосларга кўра суд, Хга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва пушаймонлигини, оилавий ҳолати ва яшаш турмуш тарзини, қарамоғида 2 нафар фарзанди борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, унга айбланган моддаси санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, мазкур ҳукмда кўрсатилган жиноят Х томонидан жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2025 йил 13 ноябрь кундаги ҳукмига қадар содир этилганини инобатга олиб, жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2025 йил 13 ноябрь кундаги ҳукми билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисмига асосан жиноятлар мажмуи бўйича мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиб, узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, тайинланган жазо муддатини 2025 йил 14 август кунидан бошлаб ҳисоблаб, қаттиқ тартибли колонияларда ўтатиришни белгилашни, унга нисбатан қўлланган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилиб, дарҳол суд залидан қамоққа олишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Судланувчи Х Ўзбекистон Республикаси ЖК 226-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Хга Ўзбекистон Республикаси ЖК 226-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2025 йил 13 ноябрь кундаги ҳукми билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисмига асосан жиноятлар мажмуи бўйича мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиб, узил-кесил 5 (беш) йил 9 (тўққиз) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо муддатини 2025 йил 14 август кунидан бошлаб ҳисобланиб, қаттиқ тартибли колонияларда ўтатириш белгилансин.

Унга нисбатан қўлланган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилиб, дарҳол суд залидан қамоққа олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция ёки кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.



Раислик қилувчи:

Ш.Турдиев

Хужжат имзоланган: Турдиев Шавкат Тулкинович, 21.01.2026

